

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 2 август №158 (3270)

Шанба

ДЕҲҚОН МАНФААТИ — ЮРТ МАНФААТИ

Қашқадарёда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самаралари билан яқиндан танишиш учун вилоятга келган Президент Ислам Каримов 1 август куни Қарши шаҳридаги сержантлар мактабига борди.

Армиянинг муҳим бўлини ҳисобланган сержантлар тайёрлаш масаласи мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Жаҳон таърибасидан аскарнинг ҳақиқий жангчи сифатида тайёрлашда сержантларнинг аҳамияти нечоғли катта экани маълум.

Ислам Каримов аскар ва офицерлар билан суҳбат чоғида масаланинг шу томонида алоҳида эътибор берар экан, сержантлар тайёрлаш ишини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари ҳарбийларнинг яшаш ва ўқиш-ўрганиш шароитини яхшилашга доир фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, бу борада тегишли раҳбарларга зарур маслаҳат ва топшириқлар берди.

Ислам Каримов Шаҳрисабз туманида ҳам бўлди.

Болта Фозилов номидаги ширкат хўжалигида оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган Раҳмон Юсуфов даласидаги учрашув чоғида деҳқонни рағбатлантириш масаласига катта эътибор қаратилди.



Гап шундаки, илгари «юқоридан» белгиланган режа асосида иш юритилар, ҳосилда барака бўлади. Туман, вилоят ва мамлакат миқёсидаги шартномавий режалар бажарилиши ҳам таъминланади.

Ислам Каримов ташаббус деҳқоннинг ўзидан чиқishi мумкинлигини таъкидлади.

«Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги Яхё ота Эргашев оиласи меҳнат қилаётган пахта даласида учрашув чоғида ҳам шу мазму атрофида суҳбат давом эттирилди.

Президентимиз фермерликнинг афзалликлари билан, кам уруғининг турларига меҳнатқилар қандай муносабатда эканлиги билан

қизиқди. Қувонарли жиҳати шундаки, пахтакорлар меҳнатдан қониқиб ҳосил қилаётган. Чунки даромадининг чўғи ўз қўлида эканлигини англаб етмоқда.

Яхё ота 14 фарзанди билан шу ерда меҳнат қилиб, кам бўлгани йўқ. Ҳар йили мавсум сўнгида қўзланган маррасини эгалаётир.

Юртбошимиз масаланинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатига алоҳида эътибор қаратар экан, ер ва меҳнат тақсимотида ҳар бир минтақада ўзига хос шароитдан келиб чиқishi зарурлигини қайд этди. Дейлик, Шаҳрисабз туманида ишга яроқли киши ҳисобига 1,5-2 гектар ер тўғри келади. Бу рақам вилоятнинг бошқа туманларига нисбатан катта-роқ. Иш ва ерни шундай тақсимлаш керакки, ишланган одам меҳнатига яраша фойда олсин. Аҳолининг зичлиги ва экин майдонларининг ҳажмига қараб меҳнат тақсимоти амалга оширилса, қўзланган фойдани олиш мумкин. Деҳқон етиштириётган ҳосилда эса алал-оқибат эл-юрт манфаатлари акс этади. Айни вақтда жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласи доимий эътиборда бўлиши даркор.

Президентимиз Ислам Каримов дала меҳнатқиларининг барча ишларида янги зафарлар тилади.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига сафари ниҳоясига етди.

Анвар БОБОВ, ЎЗА махсус мухбири.

СУРАТДА: ташриф пайти.

Абдувоҳид Тўраев, Шомурод Шаропов олган сурат.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ ТЎғРИСИДА

2003 йил 6 август куни Россия Федерацияси Президенти В.Путин Ўзбекистонга амалий ташриф буюради.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш режалаштирилмоқда.

Муносабат

Эрта Бугундан Бошланади

Шу йилнинг 18 июль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлган мажлис, унда Президентимиз қилган маъруза, давлатимиз раҳбарининг мажлис жараёнида айтган қимматли фикрлари ва кўтарган масалалари бутун мамлакат аҳлида улкан қизиқиш уйғотди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мажлисда мамлакат манфаати, бутун халқ манфаати ҳукумат доирасида, мўтабар даврада муҳокама этилди. Ватанимиз жорий йилнинг биринчи ярмида қандай йўлни босиб ўтди? Қандай ютуқларга эришилди? Мамлакатнинг ривожланиши йўлида қандай муаммолар кўндаланг турибди?

Мажлис ана шундай долзарб масалаларни атрофлича таҳлилдан ўтказди. Халқимиз ушбу мажлис ва унинг жараёнини 18 июлда ва ундан кейинги кунларда телевидение орқали кўрди. Президентимиз маърузасини ва мажлис давомида айтган фикрларини жон қўли билан тинглади. Маълумотга катта қизиқиш билан ўқиди.

Биз Ўзбекистоннинг ёрқин келажакни оруз қилиб яшаймиз. Ҳар биримиз қўлимиздан келганча шу келажакнинг мустақам пойдеворини тиклашга ҳисса қўшишга интиламиз. Таъбир жоиз бўлса, 2003 йилнинг биринчи ярми — мана шу улғувор истиқболга бориш йўлининг ўзига хос бир босқичидир. Шу билан, Президентимиз маърузасида мамлакатимиз келажак билан боғлиқ бош стратегик мақсадлар нукта назардан мана шу ярим йиллик босиб ўтилган йўлга ҳолисона баҳо берилди. Чунки эрта бутундан бошланади.

Ҳўш, ўтган ярим йиллик натижалари нималардан далолат беради? Энг муҳим ҳулоса шунки, бу қисқа даврада барқарор иқтисодий ривожланиш давом этди, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ўз натижасини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлисида



Президент Ислам Каримовнинг иккинчи тақрири Олий Мажлиснинг тўқтинчи сессиясида маърузасидан келиб чиқилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш масалалари бўйича тузилган парламент комиссияси тар-

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ

кибидаги иқтисодий тараққиёт масалалари кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари Бюджет, банк ва молия масалалари, Саноят, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари, Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва озиқ-овқат қорали, аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат ҳамда Атроф-муҳит ва табиатини муҳофазат қилиш масалалари қўмиталари томонидан

барқарор ва мустақам иқтисодиётни шакллантириш билан боғлиқ биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишларни муҳокама қилдилар. Унда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва қудратли бозор инфратузилмасини барпо этиш, эркин иқтисодиёт принципларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини таъминловчи ва мустақамловчи янги қонунарни яратиш оид ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий ислохотлар ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш концепциясида мувофиқ бир қанча қонуни лойиҳалари, ҳуусеан, «Банк сирри тўғрисида», «Муҳофазат чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг айрым қонуни ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуналар лойиҳаларини тайёрлаш, «Аксия-

ҳуқуқий асос талаб қилади

дорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги», «Махсус тақсимоти оид битимлар тўғрисидаги», «Табиатни муҳофазат қилиш тўғрисидаги», «Атмосфера ҳавосини муҳофазат қилиш тўғрисидаги» қонуналарга ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофазат қилиш давлат қўмитаси тўғрисида»ги низомига ўзгаришлар ва қўшимчалар кири-

тиш борасидаги ишлар ҳуусида атрофлича фикрлашиб олинди. Иқтисодий тараққиёт масалалари кичик комиссияси томонидан тасдиқланган таъбирлар режасига мувофиқ Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессиясига «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисида»ги масалани тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ тузилди.

Йиғилиш сўнгида иқтисодий тараққиётнинг ҳуқуқий асосини мустақамлаш юзасидан 2003 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган чора-таъбирларнинг бажарилиши боғлиқ ишларни янада жонлантириш йўллари белгилаб олинди.

Пойтахтимизда

Темирўлчилар касб байрами

«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу тармоқ орқали 22 миллион тоннадан зиёд-роқ халқ ҳўжалиги юклари белгиланган манзилларга етказиб берилди. Айниқса, сўнги пайларда транспорт қурилиши бехавотир етказиб беришда миқозларнинг маъмуриятини қувонарлидир. Мана шу ишларнинг самараси туфайли ўтган ярим йилликда 56,2 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағ компания ҳисоб рақамига келиб тушди. Бундан ташқари, компания маъмуриятининг 2003 йилда умумий қиймати 86,3 миллиард сўм этиб белгиланган Инвестиция дастури доирасида Ченгелди—Самарқанд, Самарқанд—Ҳўжадалават йўналишидаги темир йўллари қайта таъмирланиши, Амударё устида Биратўла автомобиль ва темир йўл кўприги, «Тошғузар—Бойсун—Қумқўрган» янги темир йўл линиясининг қурилиши ҳамда локомотив ва вагонлар паркни замонавийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлари ҳам таҳсинга сазовордир.

Шунингдек, мамлакатимиз темир йўл тарихида илк мартаба нефть махсуслотлари ташинишга мўлжалланган цистерналар тайёрлаш йўлга қўйилгани ва маҳаллий қоғоздан умумий қиймати беш миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар, бутловчи жиҳозлар, 180 миқдон сўмлик халқ истеъмолчи молларининг ишлаб чиқаришнинг ҳам соҳада иқтисодий ислохотларнинг жаддалик билан олиб борилаётганидан далолатдир.

Кеча ўз касб байрамларини нишонлаш мақсадида «Темирўлчилар маданият саройи»га йиғилган соҳа ходимлари анжуманида ана шу масалалар ҳуусида сўз борди. Маъмурият компания раиси О. Раматов касб байрами муносабати билан йиғилганларини самимий қўтлади. Тармоқ фахрийлари ва ходимларининг бир гуруҳи «Фахрий темирўлчи» кўрак нишонини ва қимматбаҳо совға ҳамда пул мукофотлари билан тақдирлади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Тулаганов сўзга чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов иштирок этди.

Б. ОСТАНАҚУЛОВ.

Жойлардан хабарлар

Ҳиндистон институтида тадбир

Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллик байрами таъбирлари доирасида Деҳлидаги Молия институтида «Ҳиндистон-Ўзбекистон иқтисодий алоқалари» мавзусига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ушбу таъбир маъмуриятининг ҳамда мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Институт ректори, профессор Ж. Агравал таъбирини очар экан, Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатлар қўлимиз тобора кенгайиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Тадбир ниҳоясига мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: халфезликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг ҳинд тилида чоп этилган нусхаси, Деҳлида урул тилида нашр этилган ўзбек шоирларининг шеърлар тўплами, Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кун ҳақидаги адабиётлар ҳамда турли журналлар тўплами элчихона томонидан маъмурият олий ўқув юрти кутубхонасига тақдим этилди.

«Жаҳон» АА.

Шифобахш сув топилди

Мирзачўл туманидаги Гагарин маданият саройи сўнги тадбирлардан бири бўлиб ўтди.

Жиноятнинг илдизи қаерда?

Фарғона вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида бўлиб ўтган йиғилишда шу ўқир саволага жавоб топишга ҳаракат қилинди. Айни киши-лоқ ҳўжалик эканлиги парварини қизиқтириш паллага кирган, иқтисодий ислохотлар кенг қулоқ ёзаётган бир пайтда бу масаланинг кун тартибига олиб чиқилишига нима сабаб бўлди? Вилоятдаги жиноятчиликнинг аҳволи чуқур таҳлил қилинса, вазият анча ташвишли эканлиги кўзга ташланади. Ҳуусеан, умумий жиноятлар сонини қўлади. Бу бо-

радаги ишлар, айниқса, Бувайда, Риштон, Бешарик, Қирғули туманларида 15 дан 44 фоизгача ошганлиги ташвишлидир. Вилоят прокурори У. Шамсеновнинг маърузаси жиноятчиликнинг қўлаш-ши омиллари, келиб чиқishi илдизлари, жамитдаги бу сарқитларга қарши кураш йўллари таҳлилдига бағишланди. Маърузачи жиноятларнинг 8 фоизи маст ҳола, 10 фоизи судланган кимсалар томонидан, 19 фоизи эса ҳеч қаерда ишламаётган, тайиниш киши-лар томонидан содир этилаёт-

Ёшлар спорт мажмуаси

Наманган шаҳрида «Ёшлар спорт мажмуаси» очилди. Ун беш гектарлик майдонда ёпиқ спорт зали, теннис корти, кичик футбол майдони, аквапарк, боулинг маркази, амфитеатр, иккита фавора, суний тоғ, ресторан, шунингдек, қўлаб сандо шохобчалари мавжуд. Мажмуа қурилишида вилоятнинг қирқдан зиёда қурилиш ташкилотлари астойдил меҳнат қилдилар.

Ушбу ишоот мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигига муносаб совғадир.

«Туркистон-пресс».

«Аҳиллик бор жойда барака бўлади»

Табиатим шунга: ўз ишининг устаси бўлган, қай бир соҳада ишламасин, ҳаммаша қойиллабтиб юрадиган кишилар билан суҳбатлашгим келаверади. Чунки бундайлар билан мулоқотда бўлиш ҳеч кимга зиён келтирмайди. Аксинча, маънавий завқ беради, онгу шуруни тубдан ўзгариштириб юборади. Ташкент вилояти, Окқўрган туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Эргаш Ниёзов ҳам ана шундай ишбилармон — ўз ишининг пирига айланган кишилардан.

Бугуннинг одамлари

Бу инсон ҳақида, унинг олиб бораётган ишлари, одамлар орасидаги обур-эътибори ҳуусида кўп эшитганим. Ҳар гал дилдан қанйиди шу инсон билан ҳам бир бора талашсаму, эришаётган ютуқларига нима асос бўлаётганини билиб олсам, деган истак ўтаверарди. Қарингиз, эзу нинг ерда қолмас экан — раис бобо билан учрашдим, мириқиб суҳбатлашдим.

Эргаш Ниёзов 1932 йилда туғилган. Ота-онасидан эрта жуд бўлган, 13 ёшда рўзгор-

нинг эил-замбил юки унинг елкасига тушди. Аммо у бундан чўчимайди, ўзини ҳам, ўзидан кейинги жигарларини ҳам қийинчиликка чидашга ўргатади. Ишлар ўтган, ҳаёт имтиҳонларида синалган Эргаш ака олий маълумотли бўлиб, ука-синглиларини ҳам ўқитди. 1954 йилдан, яъни йилгирма икки ёшдан бошлаб турли жойларда, турли раҳбарлик лавозимлари ишлаб бошлайди. У қарера ишламасин, ўзининг улабдорлигини, ишбилармонлигини намойён

дейди Окқўрган туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги раиси Эргаш ака Ниёзов

этар ва табиийки, ҳаммининг эътиборини жалб этарди. Чунки у ҳаёт мактабига обдон тилим олганди. Деҳқончиликнинг сир-асоратлари унинг етими икки томирда қондек айланарди. Ҳуусеан, у кишининг жўшқин ҳаёт бағрига — раҳбарлик лавозимларига беркорга ўтирмаганлигига асос қўл. Аммо асосий гап бунда эмас, муҳими... Келинг, бу ҳақда, яқини, у кишининг ўзларидан эшита қолайлик:

— Ҳамма гап эиммадаги вазифага ижоддан ёнадишда ва уни сиқидилдан бажаришда. Чунки инсон — у қайси соҳада фаолият қўрсатмасин, фидойи бўлмас, қилаётган ишини ўзи чуқур тушунамаса, ҳамма ҳаракатлари зое кетади. Ҳужажурини қилинган ишлар ҳеч қимта наф келтирмайди. Мен 44 йилдан бери турли лавозимларда ишлаб келаман. Ҳозир уйда тинчгина, набараларимга қараб ўтирсам ҳам бўларди, аммо мамлакатимиздаги ўзгаришларни кўриб, унда ўтиролмаслигини англайман. Чунки бугунги кун бошқача, унинг талаблари ҳар бир раҳбар зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу масъулият таъмирда эса инсон тақдирга ётибди.

(Давоми 3-бетда).



(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз ҳар бери...

«Аҳиллик бор жойда барака бўлади»

дейди Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжаллиги раиси Эргаш ака Ниёзов

айтганча шовмай туринг. Ишонасизми, йўқми, биз йил бошида туман солиқ идорасига ўтказилик ҳисобидан маблағ...

ди. Очиғи, бу саволи эшитиб, кулиб юбордим. Кейин эса нокамтарлик бўлса ҳам юқори натижаларга қандай эришаётганимизни бирма-бир айтиб бердим.

мида бугунги ва эртанги кун қайғуси учун куйнаётган раҳбарнинг кайфиятини сезиш мумкин. Мен раис бошонинг ҳар бир сўзини шоша-пиша эишига уриндим. Чунки уларда бугунги кун кишиси учун гоғта керакли бўлган жайларни фалсафалар муҳасам эди.



лаш қийин. Яхшиши, уларни бориб томоша, ҳа, томоша қилган маъқул экан. Далаларни айланиб булғач, раис бобо билан хайрлашдим-да, қилдан пана булғач, дуч келган хонадоннинг дарвозасини таққилладим.

дан ошган киши чиқиб келди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганимиздан кейин у кишига мухбирлигимни айтиб, раис ҳақида, умуман, ҳўжалик ҳақида икки оғиз фикр сўрамоқчи эканлигимни билдирдим. Шунда ҳўжиқ ҳолат руй берди. Уй соҳиби:

— Боринг ўзи билан гаплашинг, — деб қолди. «Гаплашиб келдим», десам: — Нималарни айтиб берди, — деди. Раис бобо билан бўлиб ўтган суҳбатни эшитган, уй соҳиби кулиб шундай деди: — Оббо раис-эй, ўзи ҳақида лом-лим демай одамлар ҳақида гапириб берибди-да сизга.

у ҳолда «Дамас» русумли «Тез ёрдам» машинаси шай турди. Дам олишга йўлланмалар бериш, тарихий жойларга зиёрат уюштириш каби ишлар ҳам раиснинг назидан четда қолмади. Хуллас, раҳбардан ёнчганимиз. Кайси йил у киши энди мента рухсат беринлар, ёшим катта бўлиб қолди, ўринга бошқа одам бўлсин, деб қолдилар. Бу таклифга ҳеч ким рози бўлмади. Нега? Чунки, биринчидан, у кишининг ўрнини босадиган одам кам. Иккинчидан, у киши ҳаммага бирдек меҳрибон. Кекса борми, талаба борми, моддий кўмакка муҳтож киши борми, ҳар бириндан хабар олиб турадилар. Энди, ўзингиз айтилиб бўладими?!

Бу киши билан анча гаплашганимдан сўнг хайрлашдим. Йўлда келганимиз, яқиним эл-юрт раивақи йўлида жон қўйиб тер тўқаётган айтиш акада, у киши ҳақида меҳру муҳаббатга тўла сўзлар айтишга қўйди. Қаранг-а, ишни ҳам қўйилатиб қўйиб, эл меҳрини ҳам қўзongan одамларимиз бор экан-ку. Шулардан ўрнак олесак бўлмайми?!

Камина бу мақолада жамоанинг ютуқларини кўрсатадиган рақамларни келтириб ўтирмадим. Ахир, кўш ёлғусини ўлғаб, дарахт баргини санаб бўлмайдику! Турғи, бу йилги об-ҳавонинг илҳамига дала захматқашларини қийнаб қўйди. Бу эса, табиийки, ўз ўзини ҳосиллаб сўзлар таъсир этди. Аммо ашадлиқ ҳар қандай ҳолатда ҳам йўлини қилар экан. Биз тилга олаётган жамоа ана шундай вазиятда ҳам ютуқларини қўлдан бермади галладан мул ҳосил кўтарди. Энг муҳими, ҳўжаликда яхши маънавий муҳит қарор топган бу ерда инсоний ва касбий аъёнлар шаклланиган экан ва унга ҳамма бирдек амал қиларкан...


Маъсум ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: ҳўжалик ҳўжидан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ХОТИРА МАЙДОНИДАГИ ҚАСАМЁД

ЖИЗЗАХ (ЎЗА МУХБИРИ Т.БЕКНАЗАРОВ). Хотира ҳўбонида сафарбарлик қақирув резерви хизматига қақирилган йигитлар қасамёд қабул қилди. Маросимда ҳўбийлар, вилот ҳўкимлиги ходимлари, аскарларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

«ЎЗТРАНГАЗ» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқувчи Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ЎЗТРАНСТАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ шуну маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2003 йил 26 июлда тасдиқлаган № 19-03-РЎ-64-2003 й. нарҳлар преёсқурантига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган газнинг баҳоси 2003 йилининг 1 августидан бошлаб қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метр газ учун 19300 сўм миқдорда бегаиланди.




Синов Кунни кеча ватанимизнинг барча олий таълим муассасаларида тест синовлари бўлиб ўтди. Бу — олий таълим тизими учун ҳам, ёшларнинг ўзи учун ҳам масъулияти бир дамлар эканлиги изоҳга муҳтож эмас. Мана шу кунни мураккаб интеллектуал синовдан муваффақиятли ўтган йигит-қизлар ўзлари учун камолотнинг янги, юксак довоига йўл очибгина қолмай, ватанимиз келажакнинг масъулиятини ҳам имкон қадар ўз зиммаларига оладиган кадрлар сифатида сараланадилар.

ОМАД СИЗГА, АБИТУРИЕНТЛАР!

Салоҳиятли ёшларнинг энг сараланиши олий таълим учун танлаб олишга эса имконият етарли. Энг сўнгги маълумотларга кўра, бу йил қабул комиссиялари томонидан 221 мингдан зиёд абитуриентлардан ҳўжатлар қабул қилинган. Олий таълим даргоҳларида 51.100 нафар талаба қабул қилинади. Демак, умумий ҳисобда бир ўринга камида 4 тадан абитуриент тўғри келади. Айрим олий ўқув юртиларида эса бир ўринга 6-7 тадан даъвогар бор. Шу боисдан кеча эрта тонгдан олий ўқув юрти масканлари эшиклари олдига қатнаб келган билан турган ёшларнинг кўнгил кечинмаларини тушунишимиз мумкин.

нича ўз ҳўжони-ю хаёли билан банд бўлиб турган кишиларнинг фикрлари билан қизиқдик. Абдуалик Туланов (Сирдарё вилоти, Сайхунбод тумани).

тонда, хорижда ҳам қатнашсам, дейди. Аввалига қиз бола учун бу ҳўнар тўғри келмас, деб ўйладим. Қарасам, иштиёқи баланд — рози бўлдим. Ишқилиб, синовдан яхши ўтсин. Елена Скокерева (Тошкент шаҳри).



баравар кўпроқ ҳўжонданам. Муҳаббат Жўраева (Шаҳрисабз тумани).

дан яхши дизайнер чиқишига ҳам ишонаман.

Тест синовлари бошлангач, орадан икки ярим соат ўтар-ўтмас, дастлабки абитуриентлар тест топшириқларини баҳариб чиқа бошладилар.

— Йўқ, унчалик қийин бўлмади, — дейди тошкентлик абитуриент Қўбиджон Йўлдошев. — Ўтган йили озгина балл етмай қолган. Бу сафар пухта тайёргарлик билан келдим. Умид қиламанки, бу йил омад кулиб боқам.

Биз синов жараёнларида боғлиқ бир неча саволлар билан институт ректори Баҳтиёр Асқарова мувожаат қилдик.

— Бу йил институтимизга 11 та йўналиш, асосан архитектура ва қурилиш мутахассислиги бўйича талабалikka қабул қиламиз. 1396 та ҳўжбат топширилган. Шундан қабул режими бўйича грант асосида 225 та, шартнома бўйича эса 410 та, жами 635 нафар энг билимдон абитуриентларни талабалikka қабул қилишимиз керак. Тест синовларининг ҳаққоний, тартибли, қўлай шароитда ўтиши учун бир неча ой олдиндан тайёргарлик қўриб келдик. Тест ўтказиш шакли ҳар доимидек. Аудиоторияларимизга 80 дан зиёд назоратчиларни жалб этганмиз. Шунингдек, Тест марказидан келган кузатувчилар ҳам иштирок этишмоқда. Энг муҳими, абитуриентларнинг имтиҳон топшириқларида яхши шароит яратишга ва уларнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилдик.

Ҳа, талаба бўлиш осонмас. Бунинг замирида машаққатли меҳнат, тиришчилик, катта орзу-интилишлар ётади. Биз кечаги тест синовлари ана шу тамойилларни ўзида юксак даражада муҳасам эта олган абитуриентларнинг орзуларини рўёбга чиқаради, деб ишонамиз.

Рустам ЕРЛАҚАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: синов лайдан лавҳалар. Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

Тўйлар — маънавиятимиз кўзгуси



Тўй — мурад. Шунинг учун тўйхонани «Мурадхона» деб атайдилар. «Тонганимиз тўйларга буюрсин», «Тўйларнинг тўйларга уланиси» деган дуолардан ҳам кўриниб турибдики, тўй бир-икки одамнинг шахсий иши эмас. Миллат маънавияти, ақли, замон билан ҳамнафаслиги, худлас, унда бутунлигига ботиний дўнбун еса этади.

вий тантаналар, маърака ва маросимлари, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони бу борадаги энг нуфузли дастур — амалимиз ҳисобланади. Маъқур Фармон ҳўғта таълиқ қилина бошлаганига беш йил бўлапти. Шу дўрсат мобайнида турли тантанали, маърака ва маросимларини ўтказиш борасида барча вилотларимиз, шаҳару қишлоқларимизда катта ўзгаришлар кузатилади. Жумладан, Қорақалпоғистоннинг айрим ҳўдаларида ўтказилган «Сайр» («Гўлинка») деб аталувчи тадбирга ва Андижонда тўй ўтгач, қўзғини оғаси бир неча кун, ҳўто қирик қўзғича келин-кўён учун юборилган «маъқур единадатига барҳам берилди. Наманган, Фарғона вилотларида ота-ониларни жўда қийнайдиган, «эл-юрт орасида қўзғича қўзғича», деб ўзгича-қўзғича қўзғича қўзғича «сеп ёлди» одати ҳам маъқуладати комиссиялар аралашуви билан чекланди. Тошкент шаҳрида «иккинчи тўй» даражасида етиб қолган «чарлар» маросими ҳам илҳамланди, онларий таъинишув даражасига келди.

«Халқ сўзи»да эъдон қилинган, «Тўй лойгани, обрўми, маъбуриятми ёки?», мақоласи бизни ҳам чуқур ўйга толдирди. Сабаби, юқорида амалга оширилган ишларга қарамасдан, мақолада таъкидланганидек, тўйларимиздаги исофгарчилик, манманлик, «ким ўзгаларнинг борлиги бу йўналишда ҳали қўри иш қилишимиз

Акс-садо «Тўй лойгани, обрўми, маъбуриятми ёки?», мақоласи бизни ҳам чуқур ўйга толдирди. Сабаби, юқорида амалга оширилган ишларга қарамасдан, мақолада таъкидланганидек, тўйларимиздаги исофгарчилик, манманлик, «ким ўзгаларнинг борлиги бу йўналишда ҳали қўри иш қилишимиз

кераклигини кўрсатмоқда. Сиз азиз отахонларга, мўътабар онахонларга, ҳўрматли ошанингизларга мувожаат этамиз: тўйларимизни илҳам ортиқча сарф-ҳаражатларсиз, исофгарчиликка йўл қўймаган ҳўлда ўтказайлик. Ишонимизки, бугун англамаган ота-она, эртага ортиқча пулниги бошидан сочмай, фарзандига илҳам беринг, ҳўнарга ўргатишга ҳаржлаш кераклигини англаб етати. Зотан, замон ўзи шуни тақозо этмоқда. Албатта, тўй ҳаммамининки. У маънавиятимизнинг кўзгуси эканлиги эса сақлаш ҳам бу муаммонинг олдидана ҳал қилинишга қўмақлашади.

Дилобар ҚОҒУЛОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари.

O'ZSANOATQURILISHBANK Kўллари танишади — муносибларни танлашади!

Ўзбекистон-Эрон «DUNYO M» ҚҚ ва KHORASSAN Co. халқаро кўргазмаси СИЗЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ. ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТОШКЕНТАДАГИ МАЪСУС КЎРГАЗМАСИ 2003 йил 3-6 август кунлари 10.00 дан 13.00 гача ва 16.00 дан 19.00 гача Манзила: «Ўзэкспомарказ», 1-павильон. KHORASSAN INTERNATIONAL EXHIBITIONS CO.

Сени гапинг — гап, хотин!

Ҳозир кечки пайт ишдан қарчаб уйга келса, хотини «сайраб» қарши олибди:

— Келдингизми? Етиб қолавермасиз-да? Менинг унта қўлим бор, ҳамма ишни қилаверман. Сигирга қараган — мен, далага чиқиб пахта терган — мен, кир ювган, хамир қорган, оқват пиширган — мен. Унта қўлим, юзта жоним бор-да! Камига манови қуйдирги ўлингизнинг галваси ортиқча!

— Галвас нима экан? — бува аввал сўри бурчатида қовоғини солиб, тумтайиб ўтирган ўғилчасига, сўнг хотинига қарабди.

— Велосипед олиб бермасангиз, сигирга қарамасини! Ҳа, ота бўлиб битта велосипед олиб берсангиз олиб берибсиз-да!

Ҳозир бува ўша қуниқ ўғлига велосипед олиб берибди. Эрта-сига ишдан қайтса, хотини яна сайраб турганими:

— Э, қайдан ҳам шу велосипедни олиб бердингиз? Эрталабдан кечгача қовлагани қовлаган. На сигирга қаради, на бир иш қилайин, дейди. Бошимга бало бўлди бу велосипед!

— Мен олиб бераман дебманми, ўзинг...

— Кечдим! — хотини бунанинг сўзини бўлиб жаврай кетибди. — Синдириб ташлан! Менга деса, ана болта турибди, чопиб ташлан!

— Хўп, сени гапинг гап, хотин, — деб Ҳозир бува болтани қўлига олиб велосипедга бир урибди.

— Вой нима қилайсиз? — деб хотини қўлига ёпишибди. — Велосипедга нима айб, сизнинг зарангизни биларми? Ундан қўра ўзини урмайсизми, ариқча отиб юбормай-сизми, ақли кирарди.

Ҳозир бува ўғлини шарт кўтарибди. Энди ариқча отиб юбормоқчи бўлган экан, хотини боласига ташлабди.

— Нима бало кайфингиз борми? Бола сизга керак бўлмас менга керак. Қўлингиз ичингизга сўймай кетаяптими? Унда ўзингизга ўшаган бирорта барзангини топиб олиб муштлашинг. Ё, ана, сигир эрталабдан бўён бақиравериб қўлоқ-миями еб битирди, ўшани уринг!

Ҳозир бува қалтак кўтариб сугир томон юрибди. Хотини яна йўлни тўсибди:

— Жинни-пинни бўлганми? Боласи ил-киллаб турибди. Оғзимиз оққа етай деганда... Сигирни ургунча мени уринг, мени!

— Сеними? — дея Ҳозир бува қулибди. — Энди шуниси бўлмади. Сен буйруқ беришга яратилгансан, айт, яна нима қилай? Сени гапинг — гап, хотин!



Ноёб томоқ

Ҳозир бунанинг мазаси қочиб касалхонага тушиб қолибди. Шифокор кўригидан ўтгач, палатага жойлашибди. Орқасидан ҳамшира қиз бир ҳовуч дори кўтариб кирибди:

— Мана бу дориларни ҳозир, буларни тушда, қолганини кечқурун ичасиз, — у дориларни бувага тутқазибди. — Ҳозир сизга сув олиб келиб бераман, — деб ташқарига йўл олибди.

Қайтиб келса, дори-дармонлардан асар ҳам қолмаганмиш.

— Ие, қани дорилар?

— Ичи бўлдим, — бува пинак бузмай жавоб қилибди.

— Ҳаммасини-я?

— Биз майдалаб ўтиришга олатланмаганмиз.

— Қандай қилиб ичдингиз? — яна сўрабди ҳамшира ҳайрати ошиб.

— Э, қизим, — Ҳозир бува қулибди, — биз ферма мудири бўлганмиз. Бу томоқдан қўй-қўзилар «ба-а!» деб, сигир-бузоқлар «му-у!» деб силлиққина ўтиб кетганда, сени бир ҳовуч доринг нима бўлибди!

Сарвар АЗАМАТ.

Яқинда «Муштум кутубхонаси» туркумидан шир Анвар ОБИДЖОННИНГ «Безгакшомол-2» номли китоби чоп этилди. Бунда Уста Гулматнинг чевараси бўлмиш Кулкул афанди тилидан битилган шеърларни хангомалар жамланган.

Китобнинг кириш қисмидаги: «Агар ҳозир дўконда турган бўлсангиз, сизга дўстона маслаҳатимиз шундай: чапани оғайнларнингизга совға қилиш учун бу тансиқ китобдан бир йўла икки-учтасини сотиб олаётганингиз маъқул», деган сўзларга қўшилган ҳолда, ундаги шеърлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Ғазалсимонлар

Қутулмаган Эфр Ғазал

Яқинда эш бўлиш шарт — ахшилардан суринмаслик,
 Ёмондан асраниш шарт — ёмонларга кўринмаслик.

Кучук эфр чиқмоғи билса бўрилар ёприлиб гажир,
 Улаб доғруқ солиш шарт — тирикликда билимаслик.

Бошимга гоҳ бало келгай ихтирою ташаббусдан,
 Хатосиз иш қилиш шарт — иш қилишга уринмаслик.

Болари боймас — хотам, жим ташиб, жим ютар сичқон,
 Ўзинга мўк яшаи шарт — ўзааларга илинмаслик.

Кичик чуммуққа дап қилмай магар турна товар иззат,
 Бўрилик обрўйин шарт — қўйга авф қилмаслик.

Ҳайтага зог боқиб Кулкул, ҳар қадам гам-алам тортинди,
 Тузук шир бўлиш шарт — дард чекишдан эринмаслик.

Эфр Ғазал

Зухрани «пакка» деб чопсақ, менга Тоҳир етолмайди,
 Бибини деб касалландим, бибн хатто йўталмайди.

Қанча севсам шунча ичидим, яна севдим, яна ичдим,
 Бундан ортиқроқ севдим арзангиз кўтармайди.

Мажақ-маймоқ хайдан гўм бўлиб бош ҳар қўйга тушдим,
 Ништини қиз бузар, шайтон унча йўдан чиқармайди.

Нукуб кўксимга қарганди чайдан эф бўлиб баттар,
 Чайдн ўз ошини ейди, кўксидан лек итармайди.

Севиб тўхтама келдимки, зоти сал сўст қизни сўйсанг,
 Пастилинг ҳеч озармайди, иззатинг ҳам кўнармайди.

Ай Кулкул, бориб назминг ўқи оддий одамларга,
 Қўлинг қолса «одо»ларга битта шеъринг кўкармайди.

Шўртқаватчилар

Умринг сўнар бахт деган юдуз милтиқлагувчи,
 Кўз алавланб, кўнрабнинг ҳайрон пиллақлагувчи.
 Ёшлигини берма бой, боқ тиканин, ўтча кир,
 Ёшлиқ ўтар қўшни қиз уч-тўрт жалилагувчи.


Бу оламнинг тенг ҳуқуқли аҳлисан,
 Бахтия бўлиш учун тўла ҳақласан.
 Шеърим ўқи, маған тушун, бахтга бот,
 Тушумасанг, ундан баттар бахтласан.

Ҳамкорликка ҳозирмиз

Кейинги пайтларда газетамизга, хусусан, саҳифамизга келадиган мактублар сонининг ортгани бизни гоят хурсанд қилмоқда. Уларда айтаётган фикрлар, тақлифлар, бизни янада илҳомлантирмоқда, янги-янги руҳлар очишга ундамоқда.

— Газетамизнинг кейинги пайтларда ўқишлилиги янада ошди, — деб ёзибди Наманган вилояти, Чортоқ тумани Айқирон қишлоғидан расмом акашиз Рашид Абдулло. — Айниқса, «Гурун» саҳифасининг ранг-баранг чиқибдари бизга кўп манзур бўлмоқда. У янада бойитилса, газетамиз асосий атрибутларидан бири бўлган — қарикатуралар ҳам тез-тез бериб берилса, ҳамкорлик қилишга тайёрман.

Уқувчиларимизнинг фикрлари бизни ҳеч қачон бефарқ қолдирмасан, қолдирмайди ҳам. Қайтагина бундай фикрларга жуда-жуда муштоқмиз. Ҳамкорлик қилиши истовчиларга эса иккала қўлимизни узатамиз: ёзилар, тақлифлар айтинглар — ҳамкорликка ҳамшира ҳозирмиз.



Рашид АБДУЛЛО чизган расм.

Дунёда қанча одам инглиз тилида сўзлашади?

Инглиз тили жаҳондаги энг кўп қўлланганидан тиллардан биридир. Ҳозирда 337 миллиондан ортиқ киши инглиз тилидан биринчи тил сифатида фойдаланса, 350 миллиондан ортиқ одам бу тилнинг ўзининг иккинчи тили ҳисобланади. Инглиз тилида сўзлашувчилар АҚШда кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг сони 226 миллиондан кўпроқ.

Хиндистонда ҳам давлат тили инглиз тили саналиб, мамлакатдаги 3000 га яқин галлар учун тилда наҳар этилади. Шунингдек, дунёдаги қўлаб аниқомпаньялар ва ҳаққоро савдо ташкилотларида ҳам инглиз тилида иш юритилади. Яна бир гап. Ҳар кунги жаҳон бўйлаб электрон воситалар орқали тарқатилган халқаро телекўрсаткичларнинг 80 фоизи шу тилда тарқатилган.

Шунинг учун бўлса керак, дунё олимларининг учдан икки қисми инглиз тилини билади. Жаҳоннинг 75 та давлатида бу тил ё давлат тили ҳисобланади ёки алоҳида мактабга эга.

Ўзбекистонда ҳам инглиз тилига бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қўлгина мактаб, лицей ва коллежларда бу тил ўргатилмоқда.

Улуғой ДОЛИЕВА, талаба.



Нўзумжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лаҳзаси.

Санъатимиз даргалари

Ҳамаз Умаровни урушдан кейинги катта авлод ҳам, тоталитар тузумни кўрган урта авлод ҳам, мустақиллик даврида яшаётган кенжа авлод ҳам яхши билади.

У қолдирган мерос — серқирра ва кўлами кенг. Бўлажак ақтариғи отаси — Умар ака ўзбек театр санъати асосчиларидан бири — Ҳамаз билан дувор-дармиён қўлини бўлган. Умар ака заводда ўқийдиган ишчи бўлса-да, санъатнинг муҳлиси эди. Қўшинининг санъатига ҳавас қилиб, ўйил кўрса, унинг исми билан аташини ният қилди. Умар аканинг туғинг фарзандига Ҳамаз деб исм қўйилиши тарихи шундай.

Ҳамаз Умаровнинг аммаси — Ўзбекистон халқ артисти Сабоҳон Каримова уни кичкиналигаёқ ўзи билан бирга Кўкон театри томошаларига олиб борган, унга санъат сирларини ўргата бошлаган.

Бу орала иккинчи жаҳон уруши бошланган. Қўнғилди бўлиб кетган. Ҳамаз урушдан омон қайтган, отасининг қистови билан ҳуқуқшунослик техникумига ўқишга кирди. Бир кун «Алишер Навоий» фильмининг суратга олиш учун оммавий саҳнага одам керак», мазмунидаги эълонни ўқиб, «Ўзбектеатрфильм» га борди.

Режиссёр сарбоз ролига унинг жуссаси кичиклигини айтса ҳам, олдидан кетмайди. Шунда режиссёр унинг санъатга бениҳоя қизиқишини кўриб, сарой мулозими ролини уйнашга тақлиф этган. Шу эпизодик роль Ҳ. Умаров ҳаётида туб бўрилиш ясади. Киностудия қошидаги кино ақтариғи курсига ўқишга кирди. Атоқли кинорежиссёрлар И. Аъзамов, К. Ерматов, сценарийчилар С. Муҳамедов, М. Мелкумовлар уни кино санъати сирларига ошно этишди. 1948 йили Ҳ. Умаров Санъат институтининг 3-босқичига талабалikka қабул

ТАКРОРЛАНМАС ИСТЕЪДОД

сида юрган 5-курс толиби Ҳ. Умаров шу тарихда театрда иш бошлади. Кўп фурсат ўтмай, бу театрнинг йўналиши унинг режиссёрига, қизиқиши ва характерига яқин эмаслигини англаб, Мўқимий театрига ишга ўтди.

Мўқимий театридаги дастлабки бош роли — хитой адиби тасавви асосида яратилган «Сочлари оқарган қиз» асариди Ян Бай Лао образи эди. Ҳали 30 ёши чикмаган Ҳ. Умаров 70 ёши қоралган чол образини яратди. Саҳналаштирувчи режиссёр В. Я. Головачев ва театрига устоз санъаткорлар кўмаги билан образ муваффақиятли чиқди. Балий кенгаш мазкур драматини 1952 йилнинг энг сара асарини сифатида қайт эди.

Шундан сўнг «Нурхон»да Хузуружа, «Жон қўзилар»да Ҳасан, «Мавлоно Мўқимий»да Мўқимий, «Фурқат», «Ёшлиқда берган кўнги»да Мирза, «Отин қўл»да Фани,

ромига етказиб олиш мумкинлигини исботлади. У жаҳон мумтоз асарларида ҳам ўзини муносиб роллари ижро этди. Жумладан, Шекспирнинг «Уч иккинчи кеча» комедиясидаги қизиқчи Фесте ролини уйнади. Шекспирнинг асар пьесаларида қизиқчи образ доимо содда ва тентак-нома бўлиб, у фалсафий фикрлар баён қилди. Ҳ. Умаров Фестеи худди шу мезорда гаввалантиришга муваффақ бўлди.

1963 йили Ҳ. Умаров «Ишқинг билан» мусиқали драматини саҳналаштириб, режиссёр сифатида ҳам маҳоратини намойиш этди. Мўқимий театри ушда кезлари мусиқали асарлар бўйича республикада ижодий лаборатория ҳисобланган. Муваффақиятли чиққан асарлар вилоят театрида ҳам саҳналаштирилди. «Ишқинг билан» асари ҳам шундай пьесалар қаторидан ўрин олди.

«Саҳифаларини қолдирмай ўқиб борайман.

Кўп маъқул, қизиқари хангомаларни, маълумоти ўқийман, раҳмат. Тақлифим, эл ичидо юрган ўзбекинг одий, аммо қизиқчи одамлари кўп. Ана шулар ҳақидаги хангомалар ҳам бериб борилса, саҳифа янада ўқиши бўларди», деб ёзибди Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Терак қишлоғлик муҳлисини Сарвар Азамат ҳамда ана шундай хангомалардан бири Ҳозир бува хангомалардан йўлашибди. Тақлиф ҳам, хангомалар ҳам бизга манзур бўлди. Бундан кейин ҳам ана шундай хангомалардан бериб борамиз, деган вадани бериб, замонамиз афандилари янги рўкнини очдик ва бошладик.

Замонамиз афандилари

Муваффақиятдан рўҳланган ижодкор озорларнинг «Қайнона», грузинларнинг «Хотинимнинг эри», «Хони-Мухом» комедияларини ҳам ўзбек томошаларининг севимли асарига айлантирди.

Ҳ. Умаров санъатнинг қайси жанрига қўл урмасин, доимо муваффақият қозонган санъаткор эди. У кинода 100 га яқин фильмда образ яратган бўлса, уларнинг аскар касби саъбий ва мураккаб психологик образлариди. Аммо бундай мураккаб образларни ҳам ижодкор маромига етказиб ижро этиб, ўлмас қаҳрамонларга айлантирди. Улардан бири — «Утган қўнлар» фильмидаги Ҳомид образи учун 1969 йилда республика Давлат мукофотига сазовор бўлди.

У дубляж санъатини жуда кўп нарсани ўргатган эди. Унинг нутқи паст ва юқори, ўрта регистрдагидек тўғри нафаста қўйилган бўлиб, жуда ёқимли ва таъсирчан эди. У қаҳрамонларнинг энг нозик ҳиссиётларини ҳам ўз овози билан бемалол ифода этди.

«Иван Васильевич ўз касбинини ўзгартирди» комедиясидаги Иван Бушани сатирик тарзда ифода этса, Иван Грознийнинг фармонбардор характерини шиддаткор рўхда ифода қилишга эришди. Осиё, Африка, Лотин Америкаси, Ю.В. Халқаро кинофестивалга ташриф буюрган ушбу роль ижросини Юрий Яковлев телевизорда фильмининг кўриб, Ҳ. Умаровнинг дубляж маҳоратига дол қолган эди.

Ҳ. Умаров ижод ҳазинаси бой, лекин ҳали тулиқ ўрганилмаган санъаткорлардандир. Бу улур санъаткор фаолиятининг ўрганиши, унинг ўзига ҳолабораториясига кириш тўғрисидаги фикрларини қўлида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ҳайитали ХОЛМИРЗАЕВ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайлати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Мухамедов, Ш. Ризоев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўзбасаров, О. Қашибеганов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;
 Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтган тартиби № 00001
 Буюртма Г — 768 22690 нускада босилган,
 ҳажми — 2 тўбоқ, Объём усундида босилган.
 Қўли бичими А-2

Газета ИВМ компьютеризация теринади на операторлар
 Жамшига ТОГАЕВ ва ААБАР БОЛТАЕВ
 томонидан саҳифаланган.

Таҳририятда ҳақми 5 қоғоздан илаб
 материаллар қабул қилинмайди.
 П — Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
 700000, ГСП,
 Тошкент шаҳри,
 Маъбутоғчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Орпнов.
 Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
 Навбатчи — С. Анапар.
 Мухассас — М. Сулаймонова.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00 Тоширишда — 21.30 1 2 3 4 5 6